МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 3 июль. Чоршанба №56 (917) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 июль куни Оқсаройда Корея Республикаси хавфсизлик ва давлат бошқаруви вазири Ю Чон Бокни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари учрашув аввалида ушбу ташриф Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканининг яна бир ёрқин белгиси эканини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритиш бўйича етакчи давлатлардан бири бўлган Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериги-дир. 2012 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 31 фоиз ортиб, 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси миқдори эса 6 миллиард доллардан ошди.

Юртимизда кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 401 корхона, Корея Республикасидаги 88 йирик компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда ахборот-коммуникация технологиялари ҳамкорликнинг устувор йўналишига айланди. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида ахборотлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Жанубий Корея АКТ соҳасида ҳамда «электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш борасида етакчилардан саналади. Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, тақдим этилаётган интерактив давлат хизматлари сонини ошириш, рақамли телевидение жорий қилиш борасида юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш бўйича 2013-2020 йилларга мўлжалланган ҳукумат дастури қабул қилинган бўлиб, унда аҳоли учун давлат органлари билан электрон шаклда мулоқот қилиш имкониятини яратиш, давлат бошқаруви тизимида «ягона ойна» тизимини жорий этиш каби кўплаб мақсадлар белгиланган. Бу йўналишда зарур дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимлари ишлаб чиқадиган қўшма корхоналар ташкил этиш, давлат бошқарув органлари ходимлари малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг АКТ соҳасидаги муносабатларига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ю Чон Бок самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси, хусусан, Хавфсизлик ва давлат бошқаруви вазирлиги Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли бўлган барча соҳаларда узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

ЎзА.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

ЎзА сурати.

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбек миллий академик драма театрида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Мазкур янгиланишлар намунаси ва фаол иштирокчиси сифатида ўзида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини жамлаган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг нуфузи ҳам тобора ортиб бораётир. Бунда тизимда фаолият юритаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлар мутасаддилари, хусусан, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг муносиб ҳиссаси бор.

Миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг тиббий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш айнан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасидаги залворли вазифадир. Шу боис маслаҳатчи лавозимида олий маълумотли, дунёқараши кенг, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга, ҳар томонлама ибрат бўла оладиган ташаббускор аёллар фаолият кўрсатмоқда.

> [2]

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

ОЛТИНКЎЛЛИКЛАР ТУРМУШИ ОБОДЛИККА ЙЎҒРИЛГАН

Олтинкўл Андижон вилоятининг энг гўзал туманларидан. Истиқлол йилларида қад ростлаган замонавий иншоотлар, кенг ва равон кўчалар, намунавий лойиҳа асосида қурилган турар-жойлар, қисқаси, ҳудуднинг ҳозирги қиёфаси кишиларнинг турмуш маданияти кескин ўзгараётганидан далолат.

Ободлик кўнгилдан бошланади, деган ҳикмат ҳар бир олтинкўлликнинг қон-қонига сингган. Туманда барча соҳалар сингари аҳолига хизмат кўрсатиш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилаётир. Бундан беш йил илгари муҳтарам Президентимиз Олтинкўл туманига ташриф буюрганида фермер ва тадбиркорлар эътиборини аёлларни улуғлаб, улар учун гўзаллик саҳналари қуришга қаратгандилар. Мазкур учрашув кишиларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, уларни янгилик яратишга ундади. Натижада ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳаси равнақ топди.

— Юртбошимизнинг ҳар бир фикри ва таклифи тадбиркорларимиз учун дастуриламал бўлди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Олтинкўл тумани бўлинмаси раиси Замирахон Йўлдошева. — Қувонарлиси, хизмат кўрсатиш шохобчаларининг замонавий бинолари бугун нафақат туманимиз маркази, балки олис қишлоқлар қиёфасига ҳам зеб берган. Кўпгина янги иш ўринлари яратилиб, оилалар фаровонлиги ошди.

> [2]

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ҲУРЛИК ЭПКИНИДАН БАҲРАМАНДЛИК — БАХТ

Ўтаётган ҳар бир кун халқимизни энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 22 йиллик тантаналарига тобора яқинлаштирмоқда. Табиийки, туманимиз аҳолиси озодлигимиз ва ҳурлигимиз тимсоли — истиқлол айёмини муносиб кутиб олиш, катта шодиёна қилиш учун аллақачон тайёргарлик ишларини бошлаб юборди.

Бу борада муҳтарам Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори барчамизга кўтаринки кайфият бағишлаб, эзгу мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлиб яшашга, юрт равнақига ҳисса қўшишга ундамоқда.

Истиқлол йилларида босиб ўтилган ҳар бир кун кундалик ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Байрам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори билан нишонланишида ҳам жуда катта ҳаётий фалсафа бор. Улкан имкониятлар бешиги бўлган юртимизда халқимиз ўз қадр-қиммати, гурури ва фахрини қайта тиклади, ҳар ким бахтли яшаш, ўз иқтидорини намоён этиш имкониятига эга бўлди.

Инчунин, уста кулоллар, миришкор боғбон ва деҳқонлар юрти Риштонда истиқлол йилларида амалга оширилган ишлар ва ютуқлар билан ҳар қанча фахрлансак, гурурланса арзийди. Бугунги Риштон юртимизнинг барча ҳудудлари каби йилдан-йилга обод, кўркам гўшага айланиб бормоқда. Кенг ва равон кўчалар, намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойлар, касб-ҳунар коллежлари, лицей ва мактаблар, маҳалла гузарлари, барпо этилган замонавий коммуникация тармоқлари мустақиллик неъматларидир.

> [2]

ЭЪТИРОФ

ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Ўзбекистон мустақиллик йилларида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Жаҳонда ҳануз давом этаётган молиявий инқироз жараёнларига қарамай, юртингизда барқарор иқтисодий ўсиш кузатилмоқда. Фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлида эришилган натижалар дунё эътироф этаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» билан бевосита боғлиқ.

Мен бир неча бор Ўзбекистонга ташриф буюрдим. 2012 йил 28-29 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган «Оила институтини мустаҳкамлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзусидаги халқаро илмий-амалий давра суҳбатида иштирок этиб, бошқарувнинг миллий тизими — маҳалла институти ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдим.

Юртингизда кучли ижтимоий сиёсат туфайли аҳолининг турмуши кун сайин фаровонлашиб бораётганига гувоҳман. Бу масъулиятли вазифа маҳаллалар орқали амалга оширилаётгани ўз самарасини беради, албатта.

Ўзбекистон ҳукумати ижтимоий таъминот тизимини тўхтовсиз такомиллаштириб бориши билан унинг самарадорлигини юксалтиришга ҳам интилмоқда. Ҳар йили маош ва нафақалар миқдори оширилмоқда, аҳоли даромадлари ўсаётир. Ҳар бир йилни алоҳида ном билан аталиши эътиборга молик. Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси фуқаролик жамияти қурилиши учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Ўзбекистон ижобий ютуқларга эришди. Минтақа хавфсизлиги, Афғонистондаги узоқ муддатли уруш сингари салбий омилларга қарамасдан, бу ерда барқарор ривожланиш сақланиб турибди. Ўзбекистон аҳолиси сони жиҳатидан Марказий Осиёдаги энг йирик давлатдир. Шу туфайли унинг барқарорлиги бутун Марказий Осиё минтақасининг изчил ривожланиши ва барқарорлиги кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки ушбу мамлакат ўз олдига ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратиб беришни мақсад қилиб олди. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатингизда инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ҳамда эркинликлари таъминланди. Юртингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Диёрингизда демократияни ривожлантиришнинг муҳим асосларидан бири маҳалла ҳисобланиши мени ҳайратга солди. У давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос кўприкдир. Маҳалла мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролик жамияти барпо қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиси лавозимига икки ярим йилда бир марта сайлов ўтказилиши ноёб ҳодисадир. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида амалга оширилиши маҳалланинг том маънода демократия дарсхонасига айланганини кўрсатади. Ривожланган давлатлар бундан андоза олса арзийди.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илгари маҳаллий ҳокимият идоралари вазифасига кирган 30 дан ортиқ ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажараётгани Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти қарор топиб, демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашаётганидан далолатдир.

Фэн ЮЙМИНЬ,
Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти катта илмий ходими.

ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирларда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Юнусобод тумани бўлинмаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида тиббиёт ходимлари билан ҳамкорлик режаси ишлаб чиқилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари изчил олиб бориляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида «Саломатлик ва маърифат» бурчаклари ташкил этилиб, унда аҳолининг тиббий маданиятини ошириши учун зарур буклетлар ва тарқатма материаллар қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 56012 нафар фертиль ёшидаги аёл ҳамда 53387 нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди. 2013 йилнинг ўзида туман тиббиёт бирлашмаси ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда тасдиқланган қўшма режа асосида хотин-қизлар иштирокида маҳаллаларда 348 та давра суҳбати ташкил этилди. Эрта турмуш қуриш, бевақт туғуруқларнинг салбий оқибатлари ҳамда туғуруқлар орасидаги оралиққа риоя этишнинг аҳамияти хусусида маҳаллаларда тиббиёт ходимлари иштирокида тарғибот тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ва шифокорларнинг хонадонма-хонадон юриб, ҳар бир оила соҳиблари билан алоҳида суҳбатлашаётгани сабаб кишиларнинг репродуктив саломатлик борасидаги тушунча ва кўникмалари юксалмоқда.

Ёз мавсумида 3 та умумтаълим мактабида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилди. Уларда маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари дам олмоқдалар.

Бундан ташқари, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оила фарзандларининг 42 нафари «Соғлом авлод — 2013» кундузги оромгоҳига юборилди. Энг муҳими, хонадонларда тиббий саводхонлик даражасининг ошиши кўплаб хасталикларнинг олдини олишда қўл келмоқда.

Гулмира ШОРУСТАМОВА,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод тумани бўлинмаси бош мутахассиси.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК — ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим тизимида амалга оширилган туб ислоҳотлар, навқирон авлод вакилларининг ўз иқтидорларини тўла намоён этишига кўмаклашиш мақсадида уюштирилаётган турли кўрик-танловлар замирида ҳам, аввало, кишиларимиз маънавий дунёсини юксалтиришдек эзгу мақсад мужассам.

Фуқаролар йиғинлари қошида фаолият юритаётган маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар томонидан уюштирилаётган турли тадбирлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси ўлароқ, сўнгги йилларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи янада оммалашиб, уларнинг мафкуравий иммунитетини янада мустаҳкамлаш борасида муайян муваффақиятларга эришилди. Муҳими, ёшларнинг маънавий дунёқараши юксалиб, улар қалби ва тафаккурида Ватан тақдирига дахлдорлик туйғулари шаклланиб бормоқда.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Улар маҳалла маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли иллатларнинг олдини олиш, носоғлом муҳит юзага келган оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш, хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, эрта турмушнинг олдини олиш, миллий анъаналар, урф-одатларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш, тўй-ҳашамларнинг меъёрида ўтишида бошқош бўлишдек муҳим юмушнинг ҳам фаол ижрочисидир.

...Соат 9.00. Ўзбек миллий академик драма театри биноси ҳар доимгидан-да гавжум. Театр остонасида карнай-сурнай садолари остида миллий либосдаги қизлар кириб келаётган ҳар бир меҳмонни тавозе ва гуллар билан кутиб олади. «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчилари ва меҳмонларнинг юз-кўзидаги байрамона кайфият беихтиёр сизнинг қалбингизга ҳам кўчади.

Маслаҳатчиларнинг илғор иш тажрибаси ва эришган ютуқларини оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида саккиз йилдирки «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънали-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови ўтказиб келинади. Бу йилги кўрик-танлов «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилгани боис унинг кўлами ва аҳамияти олдингиларидан тубдан фарқ қилди.

Шунингдек, кўрик-танлов Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 21 февралда тасдиқланган «2013 йилда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастурга асосан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Халқ таълими вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда тасдиқланган Низом асосида ташкил этилди.

Низомда танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиблари белгилаб берилди. Таъкидлаш жоизки, пухта ҳозирлик ва эътибор билан ўтказилаётган ушбу анъанавий кўрик-танлов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги танловлар орасидаги энг нуфузли тадбирлардан бирига айланди.

Май ойида танловнинг туман, шаҳар босқичилари, июнь ойида эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ўтказилди. Ушбу танловларда 8440 нафар маслаҳатчи қатнашди.

Танловнинг Республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 1-ўринга сазовор бўлган 14 нафар маслаҳатчи 3 та шарт асосида ўзаро беллашди.

...Меҳмонлар келиши давом этмоқда. Театр фойесидаги фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир кўргазмалар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотади. Миллий ҳунармандчилик намуналаридан иборат кўргазмаларда халқимизга хос қадриятлар нечоғли сермазмун, миллий маданиятимизга уйғунлигидан кўнглингиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди васийлик кенгаши аъзолари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 400 дан ортиқ маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Танловнинг биринчи шартига кўра, Низомда белгиланган мезонлар асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари ҳамда фаолиятига оид кўрсаткичлари, эришилган ютуқлари қонунийлик, ошкоралик, адолатлилик, тенглик каби асосий принципларга риоя қилинган ҳолда баҳоланди.

Иккинчи шартда яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлари, хусусан, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида савол-жавоб ўтказилди.

Учинчи шарт бўйича маслаҳатчиларнинг кундалик ҳаётимизда учраб турадиган муаммоли ҳолатлар бўйича саволларга берган жавоблари ва фикр-мулоҳазалари, дунёқараши, ҳозиржавоблиги, тез фикрлаши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди.

Маслаҳатчиларнинг саволжавоб орқали маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимизни тарғиб этиш, тўй-ҳашам ва маросимларни ихчамлаштириш, шунингдек, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва маслаҳатчилар томонидан уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш жараёнларини амалий мисолларда кенг очиб беришди.

Маҳаллалар фаолиятига доир кўргазмалар ичида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Навроз» маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Соҳиба Пардаеванинг тайёрлаган кўргазмаси ўзига хослиги билан ажралиб турди. Унда маҳалла ҳунармандлари иш намуналаридан йиғилган композиция кишида ҳудуд аҳолисининг тарихий анъана ва қадриятлари ҳақида тасаввур уйғотади. Ахир, етакчилар, маънавияти юксак, фаолияти намунали маҳалла мутасаддилари ана шундай баҳсларда аниқланади. Бундай кўрик-танловлар хато-ю камчиликларни тузатишда, тажриба алмашишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди, албатта.

Соат 10.00. Чорлов мусиқаси янгради. Тадбирни очиб бериш учун сўз «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси, танлов ҳакамлар ҳайъати раиси Анвар Аҳмедовга берилади.

Сўнгра танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган 14 нафар иштирокчи даврага чорланди. Майин мусиқа садолари остида маслаҳатчилар саҳнага чиқиб келди. Саҳнада улар фаолиятидаги ибратли ташаббуслар, илғор иш тажрибалари ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар намойиш этилди.

Эътибор беринг-а, 20 та оилани яраштиришга эришган, 15 та оиланинг тадбиркорликни йўлга қўйишига ёрдам берган, ҳудуддаги ҳар бир оилани ўрганган... Эҳ-ҳе, танловда қатнашаётган жонкуяр ва фидойи маслаҳатчи опаларнинг амалга оширган эзгу ишлари саноғини истаганча давом эттириш мумкин. Аҳолининг маҳалла тизимида фаолият юритаётган ана шундай жонкуяр инсонларга ишончи тобора ортиб бораётгани бежиз эмаслигини ҳис қиласиз.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқий ваколатлари ортиб, фаолияти янада кенгайди. Танлов иштирокчиларининг айни шу ўзгаришларни яхши билиши ҳудудларда муаммоларнинг ўз вақтида ечим топишига хизмат қилади. Шунинг учун танловни баҳолаш мезонларига айни шу ўзгаришлар инобатга олинган ҳолда янгиликлар киритилди.

Маслаҳатчи, бир сўз билан айтганда, фикр-мулоҳазали, дунёқараши кенг, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила оладиган адолатли шахс бўлмоғи шарт. Шу боис нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов иштирокчиларига тизимга оид берилган саволларга иштирокчилар ҳозиржавоблик билан ўз фикрларини билдиргани эътиборга молик.

Танловнинг барча шартлари тугагач, энг ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Йиғилганлар ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосасини интиқлик билан кутишарди. Ва ниҳоят, ҳайъат аъзолари маслаҳатчиларнинг танлов шартлари асосида йиғилган балларини эълон қилди.

Мана, биз кутган лаҳзалар. Ғолиб маслаҳатчиларнинг номлари жаранглади: Андижон вилояти Балиқчи тумани «Товулди» маҳалласи маслаҳатчиси Гулсорахон Ҳакимова 3-ўрин... Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 4-сонли маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Арзайим

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Ризаева 2-ўрин... ва ниҳоят, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Норхол Мирзаева биринчи ўрин...

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Барча қатори биз ҳам танлов ғолибларини қутлагани, улар ҳаяжони ва қувончлари билан диллашгани ошиқдик.

— Маҳаллада фаолият юритаётган маслаҳатчилар эзгулик тарғиботчиси бўлиши лозим, — дейди 1-ўрин соҳибаси Норхол Мирзаева. — Бироқ ушбу кўрик-танлов орқали ҳали бажаришим лозим бўлган ишлар кўлами ниҳоятда кенг эканлигини, зиммамиздаги долзарб вазифалар улкан масъулият талаб этишини, ютуқлар билан овуниб қолмаслик, камчиликларга муросасиз бўлиш лозимлигини теранроқ ҳис қилдик. Бир жиҳатдан бу танловни «тажриба майдони», деб атасак бўлади. Лекин бу тажрибаларни ўз фаолиятимизда қўллай билиш биз учун аҳамиятлироқ.

Шунингдек, танловда «Воя етмаганлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдаги фаоллиги учун», «Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаганлиги учун», «Маҳаллада оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги фаоллиги учун» сингари қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

— Маҳалламизда 532 та оилада 3198 нафардан зиёд киши истиқомат қилади, — дейди танловда иккинчи ўринга лойиқ топилган Арзайим Ризаева. — Маҳаллада оилалар тинчлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида олиб борган маънавий-маърифий тадбирларимиз натижасида сўнгги икки йил мобайнида ҳудудимизда вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ўртасида умуман жиноят содир этилмади.

Дарҳақиқат, эътибор ва рағбат улкан муваффақиятларга йўл очади. Истиқлолимизнинг 22 йиллиги арафасида ўтказилаётган танлов доирасида мустақиллигимизни мустаҳкамлашда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар, айниқса, маслаҳатчиларнинг ўрни қандай, деган саволга муносиб жавоб олинди.

— Йилдан-йилга такомиллашиб, бораётган мазкур кўрик-танлов нафақат амалга оширилаётган ишлар ва ютуқлар кўламини белгилаш, балки ўзаро фикр алмашиш ҳамда тажриба орттириш мактаби ҳамдир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Бу галги тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган маслаҳатчилар ўз вазифаларини пухта ўзлаштириб, ҳудудда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларда ташаббускор ва фидойи эканини намоён этдилар. Уларнинг илғор иш тажрибаларини барча маҳаллаларда кенг оммалаштириш, қолаверса, фаолиятини ҳар томонлама тўғри ва самарали ташкил қилганлиги учун муносиб рағбатлантиришда мазкур кўрик-танлов ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

...Гулдирос қарсаклар билан танловнинг ғолиб ва совриндорларига диплом ва совғалар топширилди.

Ҳа, «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танлови шундай якун топди. Саҳнада эса байрам шодиёнаси давом этмоқда. Дилбар куй ва рақслар барча иштирокчиларнинг қувончига қувонч қўшмоқда. Зеро, бундай танловлар қатнашчиларга иш услублари билан ўзаро ўртоқлашиш, фикр алмашишга имкон беради. Кўрик-танлов жараёнида ўрганилган тажриба энг катта ютуқдир.

Дарвоқе, танловда иштирок этиш учун узоқ-яқиндан Тошкентга ташриф буюрган маслаҳатчилар сафарларини пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларидан, муқаддас қадамжоларни зиёрат этишдан бошлашганди. Жумладан, улар «Хастимом» меъморий мажмуасида ҳам бўлишди. Ўз таассуротларини ифодалаган маслаҳатчилар, истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, мустақиллик даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганлигини айтиб ўтишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов сўзга чиқди.

Нурилла ЧОРИЕВ
«Mahalla»

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ҲУРЛИК ЭПКИНИДАН БАҲРАМАНДЛИК — БАХТ

< [1]

Туманимизда ўзбек, тожик, қирғиз, татар, рус сингари миллат вакиллари ўзаро аҳил-иноқ, ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Жорий йилда туман саноат салоҳиятини ошириш дастури доирасида лойиҳа қиймати 4427,5 минг АҚШ долларига тенг 29 та янги ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилмоқда. Айни пайтда пахтани қайта ишлаш, мева-сабзавот сақлаш, қуритиш, тикувчилик, паррандачилик сингари янги ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти йўлга қўйилаётир. Мазкур тармоқларда юздан ортиқ янги иш ўринлари очилади. Қолаверса, сўнгги йилларда туманимизда аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш сифати яхшиланиб, кўлами кенгайди. Ҳудудда 64 та замонавий хизмат кўрсатиш шохобчаси ўз фаолиятини бошлади. Уларда 150 дан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди.

Истиқболли режага кўра, шу йилнинг ўзида тумандаги мавжуд корхоналарни кенгайтириш, микрофирмалар ташкил этиш, якка ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 5 мингга яқин иш ўринлари яратилади. «Имконият» ва «Ихтиёр СМИК» фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳисобига янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона барпо этилмоқда.

Истиқлол йилларида Риштон кулолчилик мактаби анъаналари ривожланиб, тараққий этаётгани қувонарли ҳол. Кулоллар тайёрлаётган маҳсулотлар хорижда ҳам шуҳрат топмоқда, кўплаб халқаро кўргазмаларда намойиш қилинаётир. Бунга «Sivmax f+z» корхонасининг чинни буюмлари, «Ташаббус — 2012» республика кўрик-танловининг ғолиби, кулол Миракбар Акрамов, шунингдек, Алишер Назиров, Тоҳиржон Ҳайдаров сингари уста кулоллар эришган ютуқлари мисол бўла олади.

Томорқадан самарали фойдаланиш, аҳоли даромадларини янада ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлинмаси билан ҳамкорликда иссиқхона қуриш, кўчатчилик, уруғчилик, паррандачилик билан шуғулланиш истагидаги 516 нафар фуқаро рўйхати шакллантирилди. Аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида кам таъминланган оилаларга 15 бош қорамол олиб берилди.

Маҳаллаларда болалар учун янгидан-янги спорт майдончалари ва ўйингоҳлар қурилиб фойдаланишга топширилаётир. Жумладан, Бурҳонидин ал-Марғиноний номидаги истироҳат боғида 2 та мини футбол майдони, Зоҳидон қишлоғида спорт клуби, «Марказ» маҳалласида янги волейбол майдончалари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилди.

Соғлом авлодни шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш ишлари давлатимиз томонидан алоҳида қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида оналар ва болалар касалликлари сезиларли даражада камайишига эришилди. Энг муҳими, бундай амалий ишлар замирида инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Халқимизда: «Тўйга тўёна билан», деган нақл бор. Риштонликлар ана шу халқона нақлга амал қилиб, туманимизни янада обод ва файзиёб гўшага айлантиришга бел боғлашган. Зеро, бизга ўзлигимизни англаш, миллий анъана, урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, аждодларимиз орзу қилган ҳурлик эпкинидан баҳраманд бўлиш бахтини инъом этган қутлуғ сана — Мустақиллик байрамини ҳар қанча улкан ютуқлар, кўтаринки кайфият билан нишонласак арзийди.

Саминжон НИЁЗОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Риштон тумани бўлинмаси раиси.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Юртимизда турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшашмоқда. Зеро, миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларидан бири миллатлараро тотувликдир.

— Мен рус миллатига мансуб бўлсам-да, Ўзбекистонни ўзимнинг Ватаним деб биламан, — дейди Ховос туманидаги «Надежда» фермер хўжалиги раҳбари Надежда Дурдина. — Юртим тараққиёти учун ишлашдан чарчамайман, доимо янгиликлар яратишга интиламан. Фермер хўжалигига биогаз ускунасини келтирдик. Айни пайтда у иссиқлик ҳамда электр ишлаб чиқармоқда. Лойиҳани Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қўллаб-қувватлади.

Сирдарё вилояти корейс миллий маданият маркази раҳбари Римма Намнинг тадбиркорлик фаолияти ҳам диққатга сазовор. Сирдарё шаҳридаги «Фламинго» хусусий фирмасини бошқараётган бу ватандошимиз корейс, европа халқлари ва ўзбек миллий таомларини тайёрлаб, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Қувонарлиси, у раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик субъектида 25 нафардан зиёд киши иш билан таъминланган. Рус, ўзбек, корейс, татар ва бошқа миллат вакилларидан иборат жамоадаги аҳиллиқни кўриб ҳавасингиз келади.

— Туманимизда ўзбеклар билан бирга, рус, татар, озар, корейс ва бошқа миллат вакиллари аҳил-иноқ яшашмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё тумани бўлинмаси раиси Алим Турапов. — Биз маҳаллаларимизда миллатлараро тотувликни тарғиб этяпмиз. Ўтказилаётган тадбирларда асосий эътиборни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйган, аллақачон оилавий корхоналар ташкил этган грек миллатига мансуб Кахримон Дарцезы, татар Наиля Камалова, корейс Михаил Ли каби ўнлаб ватандошларимизни намуна қилиб кўрсатишдан асло чарчамаймиз.

Юртимиздаги адолат ва тенглик тамойилларига асосланган миллий ғоя миллатлараро барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили бўлаётир.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

ОЛТИНКЎЛЛИКЛАР ТУРМУШИ ОБОДЛИККА ЙЎҒРИЛГАН

< [1]

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ташкил этилиши натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 238 та янги иш ўрни яратилди. Йил охиригача яна 102 таси қурилиши маҳаллий дастурларда ўз ифодасини топган. Жорий йилда тадбиркор Шаҳобиддин Норматов туман марказида, Ҳимоятхон Ҳайитова Қўштепа қишлоғида кийим тикиш ва таъмирлаш устахонасини очди. Кўмакай қишлоғида 7 та, Қўштепада 6 та, Оқтепада 3 та, Жалабекда эса 2 та аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилди.

Тадбиркор Козимжон Раҳимов томонидан Жалабек қишлоғида очилган аёллар соғломлаштириш маркази хотин-қизларимизнинг сиҳат-саломатлигини тиклашдан ташқари, уларнинг дам олишини, ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиб туришларини таъминлади. Қолаверса, бу ерда 20 та янги иш ўрни яратилди.

— Туманимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг равнақ топиши аҳоли эҳтиёжларини тўла қондирмоқда, — дейди «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Муҳаммаджон Абдувалиев. — Даромад манбаи ортди. Энг муҳими, бу эзгу ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида Фонд ўзининг услубий, амалий ва моддий ёрдами билан иштирок этаётгани қувонарли.

Олтинкўл туманида хизмат кўрсатиш соҳасига ёшларни жалб қилиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Коллежлар билан ҳамкорликда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Ёшларга банк кредитлари олишга кўмаклашиляпти, ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Сервис соҳасининг жадал ривожланиши туман иқтисодиётининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшяпти. Тармоқдаги жадаллик бу билан тўхтаб қолгани йўқ. Обод турмуш йили охирига қадар шундай шохобчалар фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобига қўшимча 375 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

МЕҲРДАН ЯШНАР КЎНГИЛ

Пахтакор тумани марказидан Акмал Икромов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежигача бўлган масофа 12 километрдан зиёдроқни ташкил этади. Туман марказидан ушбу коллежга қатнаб таълим олаётган 10 нафар ўқувчи масофанинг узоқлигидан қийналаётгани йўқ.

Боиси коллеж ўқувчилари ўқишга тумандаги «Ҳумо тинчлик транс» масъулияти чекланган жамияти томонидан ажратилган махсус автобусда қатнашмоқда.

Дарс бошланиши ва тугаш вақти ҳисобга олиниб тузилган жадвал асосида қатнаётган иккита автобус ўқувчиларни ўқишга ҳам, уйга ҳам кечиктирмасдан етказаётир. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси билан автокорхона ўртасидаги келишувга мувофиқ ўқувчилар йўл ҳақини 50 фоиз чегирма билан тўлайди.

— Автобус қатнови ўқувчиларга катта қулайлик яратди, — дейди коллежнинг учинчи босқич талабаси Гулбаҳор Шукурова. — Энди ҳар қандай обҳаво шароитида ҳам дарсга бемалол қатнашимиз мумкин.

Албатта, туманда ўқувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик фақат автобус ажратиш билан чекланмаган. Ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этаётир.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эллик нафардан зиёд эҳтиёжманд оила фарзандларига фондимиз ва ҳомийлар томонидан моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Карим Тотлибоев. — Байрамларда кам таъминланганлар ҳамда ҳудудимиздаги 32-мактаб-интернати тарбияланувчиларига совғалар тарқатилмоқда. Ёз бошланиши билан туманимиздаги иккита кам таъминланган оила фарзандларини оромгоҳларга жўнатишда кўмаклашдик. Ҳудудимизда 19 ярим минг нафардан зиёд вояга етмаган ёш бор. Улар тарбияси ва таълим олишини назорат қилиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мунтазам иш олиб боряпмиз.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган имконияти чекланган ўқувчи ва талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш фонд бўлинмаси мутасаддиларининг доимий эътиборида. Масалан, Жиззах шаҳридаги «Зилол» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи бир нафар ногирон ўқувчига замонавий компьютер жамланмаси ҳадя этилди. Фонднинг Фориш тумани бўлинмаси томонидан Жиззах давлат педагогика институтида таълим олаётган бир нафар жисмоний имконияти чекланган талабанинг 2 миллион сўмга яқин ўқув-шартнома пули тўлаб берилди.

Вилоятдаги 548 та умумтаълим мактаби ҳамда 79 та касб-ҳунар таълими муассасаси ўртасида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Тегишли ташкилотлар билан биргаликда жорий йилнинг шу даврига қадар ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, маъсулиятини мустаҳкамлашга доир «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг» кўргазмаси, «Тўғри танланган касб — оила фаровонлиги асоси» мавзусида давра суҳбати ва учрашувлар ташкил қилинди.

Жиззах шаҳридаги 29-сонли Меҳрибонлик уйида «Меҳрдан яшнар кўнгил» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилиб, 45 нафар тарбияланувчига бўлинма томонидан кийим-кечаклар тарқатилди.

— Ёшлар тарбиясида ота-онанинг, яқинларнинг меҳри муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Узоқбой Рисқулов. — Фарзандларимизга кўрсатилган ғамхўрлик уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини уйготади. Шу боис ҳар бир эҳтиёжманд ёшни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиляпмиз.

Хуллас, Жиззах шаҳри ва туманлари маҳаллалари раислари иштирокида «Маҳалладан бошланур Ватан» шиори остидаги туркум маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқдаки, бунинг замирида ёшларни баркамол қилиб вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам.

Бек НАЗАР
«Mahalla»

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ФАХР-ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм муомалага киритилганига 19 йил тўлди

ЎзА сурати.

Президентимиз Ислом Каримов 1991 йил 31 августда имзолаган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда истиқлолимизнинг энг муҳим тамойиллари ўз ифодасини топган. Унинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлини танлаган илк кунлардан бу масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Негаки иқтисодий қарамликдан халос бўлмай тўла мустақилликка эришиш қийин. Бунинг учун кўплаб давлатлар узоқ ва машаққатли йўл босиб ўтган. Собиқ тузум даврида юртимиз фақат хомашё ҳудуди сифатида марказга «ипсиз боғлаб» қўйилган, халқимиз кескин ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолган эди.

Ана шундай мураккаб бир пайтда узоқни кўзлаб амалга оширилган оқилона ислоҳотлар самарасида Ўзбекистонимиз қисқа вақтда ўзининг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигига эришди.

Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 16 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан миллий валютамиз — сўмнинг муомалага киритилиши мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлади.

Бугун истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирганда иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиши, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пастлиги, аҳоли фаровонлигининг юксалаётганлиги билан бир қаторда миллий валютамизнинг барқарорлашиб бораётганини ҳам фахр билан тилга оламиз.

2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳатто ривожланган давлатларнинг иқтисодий салоҳиятини, пул-кредит сиёсатини жиддий синовдан ўтказмоқда. Кўплаб мамлакатларда давлат қарзи ва миллий бюджетлар тақчиллиги муаммоси ҳал этилмасдан қолмоқда.

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, юртимизда тайёрланган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсатининг изчиллигини таъминлаш, миллий валютамизнинг тўлов қобилиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Пулимизнинг барқарор валюталардан бирига айланиб, тобора мустаҳкамланиб бораётгани халқаро молия муассасалари томонидан эътироф этилмоқда. Номланиши ҳам, кўриниши ҳам турлича бўлган пулларнинг орасида бизнинг сўмимиз ўзига хослиги билан ажралиб туради. Уни кўрганимизда қалбимизда миллий ғуруримиз жўш уради. Ўзбекистон фарзанди эканимиздан фахрланамиз. Зеро, дунёда ўз миллий валютасига эга бўлмаган давлатлар ҳам йўқ эмас.

Миллий валютамиз нафақат мамлакатимиз иқтисодий қудратининг, балки халқимиз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятининг кўзгусидир. Унда юртимизнинг бой тарихи ва буюк келажаги ўз аксини топган. Ўзбек сўмини қўлига олган кишининг қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Тиллакори, Шердор мадрасалари, Гўри Амир мақбараси каби тарихий обидалар, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, «Истиқлол» санъат саройи, Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали тасвирларига кўзи тушади ва уларни келиб кўришни ҳавас қилади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, сўм ҳақидаги илк маълумотлар X-XI асрларга мансуб бўлиб, дунёдаги ҳеч бир валютанинг номи бунчалик қадимий эмасдир. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилишича, «сўм» сўзи «соф» маъносини билдиради. Буюк ипак йўлида савдо ривожланган ўрта асрларда, айниқса, Амир Темур даврида у халқаро аҳамият касб этган.

Истиқлол шарофати билан бу қадимий, табаррук сўз яна тилимизга қайтди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан миллий валютамиз «сўм» деб аталди.

Ўн тўққиз йилдирки, бу қадимий сўзни ҳар куни тилга оламиз, ўзимизнинг миллий валютамиздан фойдаланамиз. Бу валюта давлатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ҳамюртларимиз қалбида ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мустақиллигимизнинг муҳим рамзларидан бири бўлган миллий валютамиз мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, халқимиз фахр-ифтихори тимсолидир.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ ҲАР ИШДА АСҚОТАДИ

Бугун фуқаролар йиғинлари турмушимизда учрайдиган барча масалани ечишга қодир. Айниқса, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалланинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Бу борада йиғинлар ҳузурида Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар ташкил этилгани айни муддао бўлмоқда.

— Маълумки, ҳукуматимиз томонидан аҳоли манфаатларини кўзлаб белгиланган нархда ва ҳажмда ун, ёғ маҳсулотлари тарқатилади, — дейди Навоий шаҳридаги «Умид» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича комиссия раиси Даврон Қаҳҳоров. — Айрим маҳаллаларда ана шу маҳсулотлар сотуви хусусида нохуш ҳолатлар учрайди, кимдир нархдан норози, бошқаси эса сотувчи белгиланганидан кам маҳсулот бераётганидан нолийди. Баъзи жойларда терминал хизматини чеклашлар ҳам бўлади. Бизда эса бундай муаммолар мутлақо учрамайди. Чунки маҳалламиз фуқароларига ун, ёғ тарқатадиган тадбиркор Исомиддин Асомиддиновни комиссиямизга аъзо қилганмиз. У комиссия аъзоси сифатида масъулиятни чуқур ҳис қилиб, доимо адолатли иш тутади.

Мазкур комиссия таркиби жамоатчилик билан ишлашда катта тажрибага эга, ҳар қандай масалада адолат билан иш тутувчи фаол кишилардан иборат. Комиссия фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя қилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчиликнинг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига таяниб фаолият юритмоқда.

Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Навоий вилояти ҳудудий бирлашмаси ҳамда туман, шаҳар жамиятлари бу борада уларга яқин кўмакдош. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда турли мавзуларда 140 дан ортиқ давра суҳбатлари, 10 га яқин кўрик-танловлар ташкил этилди. Жойларда олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 229 та «Таянч гуруҳлари» тузилиб, 52 минг 300 га яқин фуқаро жамият аъзолигига қабул қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг 1 чораги давомида вилоят ҳокимлиги топшириғига асосан сув таъминоти, транспорт ва бошқа соҳалар бўйича 45 маротаба мониторинг ўтказилиб, натижалар таҳлил этилди. Шу давр ичида истеъмолчилардан 280 га яқин ариза ва шикоятлар келиб тушди. Мутахассислар томонидан ушбу аризаларнинг ўрганилиши натижасида 240 дан зиёди истеъмолчилар фойдасига ҳал этилиб, уларга ортиқча маблағлари ундириб берилди.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Мижоз ишончи муҳим

Когон шаҳри «Темирйўлчи» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида иш бошлаган «Когонфайз мебель» кичик корхонаси фаолият бошлаганига қисқа вақт бўлганига қарамай, мижозлар ишончини оқлаб улгурди.

Айни пайтда корхона 20 турдан зиёд сифатли офис ва маиший мебелларни харидорларга тақдим этмоқда.

— Аҳоли ва ташкилотларга буюртма асосида мебель жиҳозлари тайёрлаб берамиз, — дейди корхона раҳбари, тадбиркор Ҳикмат Муҳаммедов. — Аввал буюртмачига ўз таклифимизни билдирамиз. Улар ўрганиб, дидига мос мебель жиҳозларини танлашади. Шундан кейингина ишга киришамиз. Биз учун мижоз ишончи муҳим. Яқинда «Бобурсавдо» корхонасининг 60 миллион сўмлик буюртмасини адо этдик. Умуман, жорий йилнинг дастлабки чорагида салкам юз миллион сўмлик иш бажарилди.

Фуқаролар йиғини масъул котиби Фароғат Раҳмонованинг таъкидлашича, 2100 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудда 100 га яқин тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ўз ишини бошлаган еттита корхона томонидан 23 нафар киши иш билан таъминланди.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Маҳсулотга талаб ортмоқда

Косон тумани «Нартичуқур» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Феникс стронг» масъулияти чекланган жамиятида нон маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу ерга маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг 5 нафар аъзоси ишга жойлашди. Илғор технологиялар ёрдамида моҳир пазандалар томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга талаб кун сайин ошиб боряпти.

Яқинда ушбу муассасада яна бир қўшимча тармоққа асос солинди. Тумандаги «Лолазор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги бўш турган бино таъмирланиб, бу ерда турли йўлакбоп плиткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 10 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ва маҳсулот турини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ТАДБИР

ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗ ЧЕКСИЗ

Юртимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг «Энг яхши мутахассис» ва «Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдимотларини ўтказиш ўзига хос анъанага айланган.

Ана шундай тадбирлардан бири Самарқанд шаҳрида ташкил этилди. Анжуманда коллеж битирувчилари, иш берувчилар, жамоатчилик вакиллари, педагоглар ва ота-оналар иштирок этишди.

2012-2013 ўқув йилида вилоятдаги 158 касб-ҳунар коллежини 102 мутахассислик бўйича 60794 нафар йигит-қиз битирди. Уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирларга мувофиқ 57491 нафар битирувчи амалиёт ўташ ҳамда кейинчалик ишга жойлашиш бўйича тузилган уч томонлама шартнома асосида вилоятдаги корхона ва ташкилотларга бириктирилган.

«Энг яхши мутахассис» ва «Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдимотлари коллеж битирувчиларининг уч йил давомида олган билими, малакаси ва касб маҳоратини намойиш этиш, «коллеж-битирувчи-иш берувчи» ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг меҳнат бозорида ўз ўринларини топишларига хизмат қилмоқда.

Жорий йил вилоят тижорат банклари томонидан битирувчиларнинг бизнес режаларини молиялаштириш учун 20 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган. «Энг яхши бизнес лойиҳа» танловида 15 та соҳа бўйича лойиҳалар таклиф этилиб, тижорат банклари томонидан 250 та бизнес-режа соҳибларига кредит сертификатлари топширилди.

Самарқанд банк коллежи битирувчиси Нурсалим Умаров иқтисодиёт ва экология учун муҳим аҳамиятга эга бизнес лойиҳаси билан кўпчиликни қизиқтириб қўйди. Полиэтилен маҳсулотларини қайта ишлаб, гранула хомашёсини олишга асосланган мазкур лойиҳага «Микрокредитбанк»нинг вилоят бўлими томонидан 56 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ЎзА сурати.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК — ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ҳамда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усуллар орқали сингдириш фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишига айланди. Шунингдек, турли ғоявий ва ахборот хуружлари, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош этиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват қилиш борасидаги ишлар изчил амалга оширилаётир. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда китобхонлик байрамлари, «Китобхон оила», «Китобхон маҳалла», «Китобхон мактаб» ва шу каби бошқа танловлар ўтказилмоқда.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Истиқбол» маҳалласида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Хусусан, мамлакатимиз тарихидаги муҳим саналар ва улуғ алломаларимизнинг таваллуд кунлари муносабати билан уюштирилаётган тадбирларда истиқлол йилларида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ва аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросимизнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилаётир.

— Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияга маҳаллакўйда ҳурмат-эътиборли инсонларнинг жамланган ҳам муваффақиятларимизга замин ҳозирламоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Жалолиддинов. — Йиғинимиз қошида ёруғ ва шинам маънавият хонаси ҳамда жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир асарларидан намуналарни ўзида жамлаган мўъжаз кутубхона ташкил этганмиз. Ундаги китоблар сонини доимий равишда кўпайтириб бораётганимиз ҳамда «Шу азиз Ватан барчамизники!», «Жаҳолатга қарши маърифат билан», «Оммавий маданият — маънавият кушандаси» каби тадбирларнинг ўтказилиши ёшларни турли ёт ғоялар ва зарарли одатлар таъсиридан асрашда муҳим омил бўлмоқда.

— Президент асарлари, хусусан, «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганишга бағишланган семинар машғулотлар ташкил этилди, — дейди комиссия раиси, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Умида Пардаева. — Айни кунларда Юртбошимизнинг яна бир китоби — «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўрганишга бағишлаб учрашув ва давра суҳбатлари уюштиряпмиз. Одам савдоси ва терроризмга қарши кураш бўйича ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда мазкур асарларнинг аҳамияти беқиёс. Анжуманларга адабиётшунос олимлар ва ижодкорларнинг кенг жалб этилаётгани ўз самарасини бераётир.

Маҳалла ҳудудида ўзбек, рус, қозоқ, татар, корейс каби 10 га яқин миллатга мансуб кишилар истиқомат қилади. Эътиборга молик жиҳати, умумхалқ байрамлари муносабати билан уюштирилаётган тадбирларда ҳар бир миллатнинг урф-одат ва анъаналарини акс эттирувчи чиқишларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мухтасар айтганда, ушбу комиссия тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-Ватанга муҳаббат руҳини сингдириш борасидаги чора-тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

ТАНЛОВ

БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Аҳоли ўртасида миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб қилиш, халқимизнинг азалий миллий удум ва анъаналарини оммалаштириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда маҳалланинг роли тобора ортиб бормоқда.

Навбаҳор туманида ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловида маҳаллаларда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун асосида олиб борилаётган ишлар сарҳисоб қилинди. Жумладан, танловни ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмита томонидан маҳаллаларда янги таҳрирдаги қонун ижросига, шу асосда фуқаролар йиғини йиғилишларининг тизимли ўтказилиши, қабул қилинган қарорлар ижросининг самарадорлиги, тафтиш комиссияси ва асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар ишининг самарадорлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар томонидан фуқаролар йиғинига ҳисоботлар бериш тизими, ўрнатилган жамоатчилик назоратининг даражаси, ижтимоий ҳимоянинг мақсадли йўлга қўйилгани ва маънавий муҳитнинг қай даражада таъминлангани, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларининг ташкил этилиши ҳам танловда асосий баҳолаш мезони бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Ортиқ Фармонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга лойиқ топилди. «Янги куч» маҳалласи иккинчи, «Учтут» маҳалла фуқаролар йиғини эса учинчи ўринни эгаллади.

— Танловда ободонлаштириш ва томорқа маданиятини юксалтириш борасидаги ишларимиз ҳам таҳлил қилинди, — дейди Ортиқ Фармонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳрор Эргашев. — Ушбу танлов фаолиятимизни сарҳисоб қилиш, ўзаро маҳорат ва тажриба алмашиш мактаби бўлди. Ютуқларимиз қаторида йўл қўйилган камчиликларимизни ҳам пайқадик ва, албатта, келгусида уларни бартараф этамиз.

Дарҳақиқат, «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг туман босқичи иштирокчи маҳаллалар учун фаолият самарадорлигини ошириш омили бўлди.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

***

Куни кеча Ўзбекистон туманида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, Хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмаси, ички ишлар, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари ҳамда тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида мавжуд 63 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи орасида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг туман босқичи ўтказилди.

Танловда йиғин вакиллари учта шарт бўйича беллашдилар. Биринчи босқичда ҳайъат аъзолари томонидан иш ҳужжатлари ўрганилиб, энг юқори балл тўплаган 12 та фуқаролар йиғинлари 2-3 шартларда қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Кейинги савол-жавоб баҳслари, йиғин ҳаётидан лавҳалар иштирокчиларнинг тадбирга алоҳида эътибор ва масъуллик билан ёндашганлари, маҳалла шаънини юксакка кўтаришга интилишлари янада яққолроқ намоён бўлгани йиғилганларни қувонтирди.

Фуқаролар йиғинларида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш борасидаги ишлар адолат, тенглик тамойиллари асосида баҳоланди.

Якуний натижаларга кўра, Нурсух қишлоқ фуқаролар йиғини ғолибликни қўлга киритди. «Шўрсув», «Ўқчидашт» маҳалла фуқаролар йиғинлари эса кейинги ўринларни эгаллади.

Ғолибларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди. Иштирокчи фуқаролар йиғинлари турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Ғуломжон АКБАРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ўзбекистон тумани бўлинмаси раиси ўринбосари.

ТАҚДИМОТ

Ибратли ва таассуротли томоша

Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида «Дадажониси, кечиринг» спектакли премьераси бўлиб ўтди. Драматург Абдулазиз Раҳматов қаламига мансуб асарни режиссёр Гулруҳ Нажидова саҳналаштирган.

Бош қаҳрамон Эргаш замона зайли билан ўз йўли ва мақсадини бир қадар йўқотади. У хотини Момақаймоқ изми-ҳукмига тушиб қолади. Бир пайтлар мулойим ва оққўнгил бўлган аёл эса қўли пул кўриб, анча ўзгарган. У ёнатрофдаги инсонларга кибр билан қараб, фақат ўз манфаатини ўйлайди, ҳатто эрини ҳам назар-писанд қилмайди.

Хотинининг жабру ситамларидан тўйиб кетган Эргаш ниҳоят иродасини қўлга олиб, оиладаги етакчилик мавқеини қайтаришга, хотини уни авалгидек севиш-севмаслигини имтиҳондан ўтказишга киришади. Фақат айёрлик йўли билангина бу ўйинда бирор ижобий натижага эришиш мумкинлигини англайди...

Асарда ўзбек оиласидаги ўзига хос анъаналар, давр синовлари қаршисида эсанкираб қолмаслик, оила муқаддаслиги, ўткинчи нафсга берилиш оқибатлари янгича талқинда очиб берилади. Водевиль жанридаги мазкур пьеса қаҳрамонларининг ҳар бири алоҳида характерга эга.

Ролларни театрнинг Темур Каримов, Феруз Сафаров, Гулнора Самикова, Наргиза Баратова, Шерзод Нурушев, Беҳзод Усмонов, Сардор Норматов, Ифода Ганиева ва Марат Бухаров каби истеъдодли актёр ҳамда актрисалари ижро этишди.

Асар томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Мухбиримиз.

ЕИнинг 28-аъзоси

☑ Душанба тунидан бошлаб Хорватия расман Европа иттифоқига аъзо бўлиб кирди.

«РИА Новости» тарқатган хабарга кўра, пойтахт Загреб ва бошқа ўнлаб шаҳарларда кишилар мамлакатнинг янги мақомини байрамона руҳда нишонламоқдалар.

Йирик тадбирлардан бири хорват-серб чегарасида ЕИнинг белгиси туширилган тахтачанинг очилиши бўлди.

Душанба кунидан бошлаб мамлакат вакиллари ЕИ идораларида иш бошлади. Европарламентдан мамлакат учун 12 та жой ажратилди. Хорват тили ЕИдаги 24-расмий тил мақомини олди.

Ўрмондаги фожиа

☑ АҚШнинг Аризона штатида ўрмон ёнғинига қарши курашаётган 19 ўт ўчирувчи ҳалок бўлди.

Расмийларнинг маълум қилишича, ўт ўчирувчилар Ярнелл шаҳарчаси яқинида авж олган ўрмон ёнғинини бартараф этаётган бўлган. Якшанба куни эрталаб ҳудуддан элликка яқин хўжалик эвакуация қилинган. Тилсиз ёв қамраган майдон 800 гектарга етган.

Жума куни бошланган ёнғин ҳаво ҳароратининг юқорилиги ва шамол боис авжига чиқди.

Энг катта бино

☑ Хитойнинг Сычуань провинциясида дунёдаги энг катта бинонинг расмий очилиши бўлиб ўтди, деб ёзади «The Independent» газетаси.

Чэнду шаҳридаги кўп функцияли «The New Century Global Center» мажмуасининг майдони 1,76 миллион квадрат метрни ташкил этади. Бино Пентагондан уч марта, Сиднейдаги опералар уйидан 20 марта катта. Узунлиги 500, эни 400, баландлиги 100 метрдан иборат иншоот уч йилда қуриб битказилди.

Мажмуадан офислар, савдо майдончалари, иккита беш юлдузли меҳмонхона, замонавий санъат маркази, университет мажмуаси, конференц-заллар, 14 залдан иборат кинотеатр, сунъий чўмилиш ҳавзасини ўз ичига олган аквапарк ўрин олган.

Марказнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унда ўрнатилган сунъий қуёшдир. Японияда тайёрланган мазкур тизим асосида иншоот иситилади ва ёритилади.

Интернет хабарлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Учқўрғон тумани бўлинмаси жамоаси Яшиқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳасанбой Турсуновга отаси
Жалолиддин отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

Навбат — вилоят босқичига

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан бир қатор вазирликлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган болалар ва ўсмирлар ўртасидаги анъанавий «Футболимиз келажаги» республика кубоги беллашувлари нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётир.

Бу йил Наманган шаҳридаги 82 та маҳалла фуқаролар йиғининг барчасида «Футболимиз келажаги» беллашувларига жиддий тайёргарлик кўрилди. 240 та жамоа дастлаб 4 та ҳудудга бўлиниб ўзаро куч синашди. Сўнгра гуруҳ ғолиблари финалда учрашдилар. Қизиқарли ва муросасиз кечган мусобақалар натижасига кўра 9-10 ва 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида «Тўқувчи» маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси ғолиб, деб топилди. 11-12 ёшлилар ўртасидаги баҳсларда эса «Янги аср» маҳалласи футболчиларига тенг келадиган рақиб топилмади.

Улар эндиликда мусобақанинг вилоят босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Жамшид БЕК
«Mahalla»

БОЛАЛАР СПОРТИ

МАҲАЛЛАМИЗ МАЙДОНИ — ЧЕМПИОНЛАР МАКОНИ

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ катта эътибор қаратилгани эътирофга сазовор.

Боиси спорт билан шуғулланган инсон ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлади. Ўқиш ва ишида, ҳаётида маъно, соғлом ақл-тафаккур устувор бўлади. Бу эса ўз-ўзидан оилада соғлом турмуш тарзини юзага келтиради. Соғлом фикрли халқнинг эса эртаси саодатлидир.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида жойларда спорт муассасаларининг барпо этилиши, янги-янги спорт тўгараклари фаолиятининг йўлга қўйилиши, уларнинг тегишли жиҳоз, малакали мураббийлар билан таъминланиши спортнинг ҳар бир хонадонга кириб боришига, шуғулланаётган болалар ва ўсмирлар сони йилдан-йилга ортишига хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида жойлашган Муқимий номидаги маҳаллада барпо этилган болалар футбол майдони сўзимизнинг яққол тасдиғидир.

— «Меҳр нури» жамғармаси ҳамда Муқимий номидаги маҳалла мутасаддилари ҳомийлигида маҳалламиз болалари учун 2012 йилнинг март ойидан футбол майдони ишга туширилди, — дейди футбол мураббийси Шерзод Нарзуллаев. — Маҳалламиздаги саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болалар бу майдончада ҳар куни тўп суришади. Маҳаллалар ўртасида бўлиб ўтадиган футбол мусобақаларида иштирок этишади. Энг қувонарлиси, болаларимиз бу майдонда футбол билан бепул исталганча шуғулланишади. Уларга махсус спорт кийимлари ва зарур буюмлар ҳомийлар томонидан тақдим этилади. Болалардан талаб этиладиган биргина нарса — спортга ошно бўлиш. Маҳалламиз мутасаддилари болаларнинг машғулотларини кузатиб, уларни рағбатлантириб боришади.

Буларнинг барчаси ёш авлоднинг спортга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳалламизда соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашда қўл келаётир. Бугун яшил майдонларда тўп сураётган ёшларимиз келажакда, албатта, моҳир футболчи бўлиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади.

Аҳолини спортга кенг жалб этиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва қатор ташкилотлар ҳамкорликда ҳар йили умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ўқувчилари, талабалар, оилалар, ишчи ва хизматчилар ўртасида муайян спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиб келмоқда. Жумладан, ўқувчилар ўртасида ёзги таътил даврида «Ёз», оилавий жамоалар ўртасида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Соғлом оила», аёллар, қишлоқ хотин-қизлари ўртасида «Аёллар спартакиадаси», «Гимнастрада», «Спорт маликаси», «Сув париси», «Кичкинтой-ширинтой», «Спорт байрами», «Камолот кубоги», «Камолот ғўзали», «Соғлом авлод учун» кубоги, «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Футболимиз келажаги», «Олимпия умидлари» ҳамда миллий спорт ўйинлари ва бошқа турли оммавий спорт мусобақалари ташкил этилмоқда.

Бундай спорт мусобақалари ҳам янги номларни, янги чемпионларни кашф этади. Уларда буюк аждодларимизга муносиб ворислар ҳам етишиб чиқиши табиий. Юртимизда яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланаётган истеъдодли ўғил-қизларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги мусобақаларда, балки халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқдалар.

Дилдора ҚАРШИБОЕВА.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.
Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-39-89 236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73
ISSN 2010-7013
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Очилов
Нашр навбатчиси: Э.Жуманов
Нашр кўрсаткичи: 148
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.
19100 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7503 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.00